Шикастланишнинг бу тури валларнинг думалаш шароитда ишлайдиган иш сиртларида кўпрок учрайди. Четлари ихтиёрий шаклдаги узук-юлук чуқурчалар уваланишга мосдир. қотишманинг қаттиқ ташкил этувчилари (унинг юмшок асоси ейилиб бўлгандан сунг уваланади), ок қатламнинг зарралари, антифрикцион валл қатлами зарралари (толиқиб шикастланганда уваланади), валлаш копламасининг зарралари ва хакозолар уваланиши мумкин.

Ишлов берилгандан сунг сиртқи қатламда коладиган юқори чузилиш зуриқишлари, цементитлаш ва эскиришдан сунг пайдо бўладиган дарзлар, шунингдек, ишқаланиш натижасида ёки коникарсиз мойланиши туфайли юзага келувчи катта термик зуриқишлар уваланишга абаб бўлади.

Уваланиш содир бўлишидан олдин ашёнинг кичик бўлагини ашёнинг асосий қисмидан ажратиб турадиган дарзлар юзага келади ва улар аста-сёкин катталашиб боради. Шундай килиб, дарз пайдо бўлиши уваланиш ҳамда қатламланиб кучиш жараёнларининг таркибий қисми хисобланади. Термик зуриқиш туфайли пайдр бўлган дарзлар бирмунча катта майдонга ёйилиши ва бу дарзлар катталашишнинг муайян боскичида бракнинг белгиси бўлиб хизмат килиши мумкин. Шу сабабли

ушбу нуксонга ишқаланувчи сиртлар шикастланишининг алохида бир тури сифатида қаралиши лозим.

Жисмлар бир-бирига нисбатан ҳаракатланганда уларнинг ўзаро молекуляр таъсирлашуви оқибатида юзага келган қатлам бир ёки икки ашёдан мустаҳкамрок бўлганлиги сабабли чуқур уйилиш содир бўлади. Емирилиш жисмларидан бирининг ички қатламларида юз беради. қайишқоқ ашёларнинг емирилган сиртлари ҳаракат йуналишида чузилган чиқиб турувчи дунгликлар ва ашёнинг ичи томони торайиб борувчи конуслар куринишда бўлади. Уйилган жойларга туташиб турувчи қисмлар кўп ёки кам даражада қайишқоқ деформацияланади. Юлинган ашё туташган сиртда қолади. Бу ишқаланиш натижасида ашёнинг кучиш сабабларидан биридир. Бунда қотишманинг айрим ташкил этувчилари бир-бирига ёпишиб қолиши, қолган ташкил этувчилари эса сурков ашёсига бориб тушиши ёки ишқаланиш соҳасидан чиқиб кетиши ҳам мумкин.

Абразив зарралар мой, чанг, тупрокда, гуза шохларида бўлади. Бу зарралар туташмадаги ишқаланувчи сиртларга турлича таъсир кўрсатади. Ишқаланувчи сиртлардан бири одатда юмшокрок ашёлардан тайёрланганлиги сабабли қаттиқ зарра ишқаланувчи сиртлар орасида ҳаракатланганда юмшок асосга қадалиб, қаттиқрок вални сиртини тирнайди. Масалан, баббитли подшипникларга тушган зарралар уларга ботиб қиради ва валлар буйинларини тирнайди.

Абразив зарралар қаттиқрок қотишмалардан ясалган сиртлар орасига, масалан, кугошинли бронза куйилган подшипникларга тушганда қотишмага ботиб қира олмайди. Улар вал буйни билан подшипник орасидан утиб, уларнинг сиртини тез емиради. Шунинг учун кургошинли бронзадан ясалган подшипникларни валга урнатишда баббитли подшипникларга қараганда 2 баробар катта тиркиш қолдирилади.

Ишқаланувчи валлар орасига абразив зарраларнинг кириб қолиши марказлаштирилган усулда мойланадиган машиналарда айникса кўп кузатилади. Ажралган валл зарралари мойга кушилиб, туташмаларга боради ва бу ерда юмшокрок сирт билан ўзаро таъсирлашади. Ташки муҳитдан кирган абразив зарралар билан ҳам шундай ҳодиса кузатилади.

Занжирли (гусеницали) тракторлар юриш қисмларининг валлари, тупрок казийдиган машиналарнинг валлари, ерга ишлов берувчи машиналарнинг иш органлари абразив зарралар таъсирида энг тез ейилади.

Порф. М. М. Хрушчов абразив ейилишнинг куйидаги асосий (фундаментал) қонунларини тақлиф этган :

1. Ўзгармас шароитда ейилиш қиймати ишқаланиш йулига тугри мутаносибдир :

$$U = f(\text{const}) \cdot S \quad (1)$$

2. Бошқа ўзгармас шароитларда ейилиш қиймати ишқаланиш тезлигига боғлиқ, яъни ейилиш тезлиги ишқаланиш тезлигига тугри мутаносибдир :

$$dU/dT = c \cdot p \cdot V \quad (2)$$

бу ерда U-ейилиш қиймати ,мм; T-вақт,соат; C-мутаносиблик коэффициент; P-юкланиш, кг; V-тезлик, м/с

3. Бошқа ўзгармас шароитларда ейилиш қиймати меъёридаги юкланиш P қийматига тугри мутаносибдир:

$$dU/dS=c*p \quad (3)$$

4. Юмшатишган пулатларнинг нисбий ейилишга чидамлилиги қаттиқликка тугри мутаносиб бўлади.

Абразив заррадан ейилиш йул, курилиш, кишлок хужалик, тоғ, кон, транспорт ва бошка турдаги машиналарда кўп учрайди. Чунки бу машиналар абразив зарра мавжуд бўлган мухитда ишлайди. Абразив ейилиш турли курилишларда бўлиши мумкин. Жумладан маҳкам урнашган абразив заррадан ейилиш, абразив масса ичида ейилиш, суюқлик ва газ ичидаги абразивдан ейилиш, азалдан эркин абразивдан ейилиш.

Агарда туташ юзаларнинг физик кимёвий хоссалар ва микрогеометрияси ($\alpha_1=\alpha_2$) бир хил бўлса, абразив заррани уларда маҳкамланиши тулигича сирпаниб ишқаланиш коэффицентлари f_1 ва f_2 боғлиқлиги олдинги мавзуларда келтирилган формуларлардан куриниб турибди.

Абразив заррадан ейилишда заррани юзалар билан пластик туташishi кўп учрайди.

Мойли туташишда адгезион ташкил этувчини $\tau_0 / HB=\beta$ инобатга олмаса бўлади. У холда ишқаланиш коэффиценти

$$F=0,4 (h/r)^{1/2} \quad (4)$$

юзалар якинлашиши

$$h=N/\pi r HB \quad (5)$$

(5)ни (4)га куйсак

$$F=0,22 (N/HB)^{1/2} / r \quad (6)$$

Курилайтган хол учун $HB_1 = HB_2$ ва доимо $R > \rho$ бўлгани учун (6) формуладан

$$f_1 < f_2 \quad (4)$$

келиб чиқади. Демак бу холда абразив зарра кузгалмас юза 2 га урнашиб, ҳаракатдаги юза 1 га нисбатан сирпанади ва уни сиртини тезрок ейилишига сабаб бўлади. Лабораториялардаги синовларда бир хил хосса ва микрогеометрияли вал, втулкага нисбатан плунжер, втулкага нисбатан 30, 40% тез ейилиши аниқланган.

Шуни такиблaш лозимки ишқаланувчи юзаларни бир хиллилиги факат бошлангич ҳолатда бўлади холос. Ишқаланиш жараёнида ҳар бир юза узига хос хусусият ва микрогеометрияни эгаллайди ва бир хиллилик бузилади.

Ишқаланувчи юзаларнинг хоссалари турлича бўлганда юмшокрок юзани шаржирланиш яъни абразив заррани узига ёпиштириш олиш хусусияти катта аҳамиятга эга бўлади. Шаржирланиш юзани физик-механик хоссаларига, микрогеометриясига, окис пардаларни мавжудлигига, мойга ва бошка омилларга боғлиқ бўлиб, кулранг ва болгаланувчи чуян, бронза ва пласмассалар абразив заррани узага яхши ёпиштириб олувчи материаллар ҳисобланади.

ИШЛАЁТГАН ВАЛ ВА ТАЯНЧ МАТЕРИАЛ ОРАСИДАГИ ҚАТЛАМ ПУХТАЛАНИШИНИ АНИҚЛАШ

Маълумки материал қаттиқлиги озайган сари у тез ейилади. Аммо шаржирланиш натижасида аслида юмшокрок бўлган материал узига нисбатан қаттиқ бўлган материал билан ишқаланганда унга кура камрок ейилади. Чунки юмшок юзага маҳкам ёпишган абразив зарра уни химоя қилади ва аксинча қаттиқ туташ юзага нисбатан сирпаниб уни тезрок ейилишига сабабчи бўлади. Шунинг учун кузгалувчан ва кузгалмас юзалардан қайси бирини яхши шаржирланадиган материалдан танлаш катта амалий аҳамиятга эга.

И.В.Крагелскийнинг ейилишни толиқиш назариясига кура ейилиш суръати юзага ботиб кирувчи зарра радиусига тескари нисбатда бўлади.

$$J=1/r^{1,5-2}$$

Юкорида курдикки характдаги юза 1 абразив зарра билан доимо катта радиуси R , кузгалмас юза билан эса кичик радиуси ρ оркали туташади. Бундан абразив зарра кузгалмас юзага ёпишса у кузгалувчан юзани, кузгалувчан юзага ёпишганда кузгалмас юзани егандан кура камрок ейди деган хулосага келиш мумкин. Демак, ишқаланиш узелларида ейилишни камайтириш учун кузгалмас юзани юмшокрок материалдан тайёрлаган маъкул экан.

Амалиётда ҳам бу назарий хулоса уз аксини топган. Масалан, вал-втулка ишқаланиш жуфтлигида айланма харакат килувчи ва қаттиқ материалдан (тобланган пулат ёки кимёвий-термик ишлов берилган пулат), втулка эса чуян, бронза ёки пласмассалардан тайёрланади.

Абразив заррани ишқаланувчи юзалар орасида қандай харакатланишини баҳолаш учун (3) ифодага ишқаланиш коэффицентлари f_1 , f_2 , K_1 , K_2 ларни тегишлича кийматларини куйсак, у куйидаги курунишга келади.

$$\left\{ 0.22 (N/HB_1)^{1/2} / R - 54600 v^{0,425} [3R((1-\mu_1^2)/E_1K(1-\mu_a^2)/E_a)/2]^{4/3} / (N^{2/3}R^{1/2}) \right\} \cos \alpha_1 = \left\{ 0.22 (N/HB_2)^{1/2} / \rho - 54600 v^{0,425} [3\rho((1-\mu_2^2)/E_2(1-\mu_a^2)/E_a)/2]^{4/3} / (N^{2/3}(R=\rho)) \right\} \cos \alpha_2 > 1 \quad (6)$$

Бу тенгсизликнинг чап томони 14 та ўзгарувчан функциядан иборат.

$$Y=f(HB_1, E_1, \mu_1, \alpha_1, HB_2, E_2, \mu_2, \alpha_2, E_a, \mu_a, R, \rho, N, V) \quad (7)$$

$y > 1$ да абразив зарра ишқаланувчи сиртлар орасида юмаланади, $y \leq 1$ да у биронта юзага урнашган холда иккинчи юзага нисбатан сирпанади.

Тенгсизлик (6) дан куринадики абразив заррани юзалар билан тўсирлашишига сирпаниш тезлиги V , гадирлик профилининг бурчаклари α_1 ва α_2 кам материаллар юзасининг физик-механик хоссалари (HB , E , μ) эса сезиларли таъсир этади. Бу таъсирлар доимо бир хил тарзда бўлмасида абразив заррани сирпанишдан юмаланишга мойиллиги куйидаги тартибда ортиб боради: тобланган пулат - тобланган пулат; тобланган пулат - тобланмаган пулат; тобланган пулат - бронза; тобланган пулат - пласмасса. Ишқаланувчи юзалари орасидаги зарра айникса пласмасса - пласмасса жуфтлигида юмаланишга мойил бўлади. Шунингдек юк N ортиши ва зарра улчами R ни камайиши заррани юмаланишга мойиллигини оттиради.

Абразив зарралардан ейилиш суръати ишқаланиш зонасига кираётган абразив зарралар миқдориға боғлиқ бўлади. Уз навбатида зонага кирётган зарралар миқдори мойлаш материалнинг қанчалик тозалиги билан белгиланади. Чегаравий мойланишда туташ зонадаги абразив зарралар сони

$$n = K_1 K_2 \varepsilon Q v_m l / 180 V_a d_{yp} v_a \quad (8)$$

бу ерда, K_1 - туташишдаги зазор улчамиға якин улчамлик зарралар сонини инобатга олувчи коэффицент; K_2 - мой таркибидаги қаттиқлиги туташ материаллар қаттиқлигидан катта бўлган зарралар мавжудлигини инобатга олувчи коэффицент; ε - мойдаги абразивнинг миқдори, % хисобланади; Q - зазор оркали утаётган мой хажми, m^3/c ; v_m, v_a - мой ва абразив зарра зичлиги, kg/dm^3 ; l - абразив заррани зазорда юрган йулининг узунлиги (зазор узунлигига тенг килиб олинади), мм; V_a - абразив заррани ташкаридан мойга кириб келиш тезлиги, kg/c ; d_{yp} - ўртача абразив зарранинг диаметри, мм;

Абразивдан микрокесилиш туфайли ейилиш суръати

$$J_a = b h l \gamma_{мет} n \quad (9)$$

бу ерда, b - тирналиш кенглиги ($b=1,4 R$, R - абразив зарранинг хажмий радиуси); h - ботиш чуқурлиги; l - абразив зарранинг ишқаланиш йули узунлиги; $\gamma_{мет}$ - ейилаётган вал материалнинг зичлиги; n - бир вақтда зазорда турган абразив зарралар сони.

Абразив таъсиридан толикиб ейилиш суръати

$$I = 4 h^2 (R-h/3) n / 10^6 d_r n_t A_a \quad (10)$$

бу ерда, d_r - туташиш изининг Герц буйича ўртача диаметри; n_t - деформацияланаётган танани толиктирувчи цикллар сони; A_a - номинал тегишиш юза.

$$d_r = 2 (3 N R (1-\mu^2) / 4 E)^{1/3} \quad (11)$$

бу ерда, N - юк; μ ва Пуассон коэффиценти; E - эластиклик модули;

$$n_t = \delta^t \quad (12)$$

бу ерда, δ - толикиб узилаётган материални нисбий чузилиши;

t - материални ишқаланишдан толикиш даражасини белгиловчи кўрсаткич

$$h = N / \pi R c \sigma_0 \quad (13)$$

бу ерда, c - индентор (абразив зарра)нинг шакл коэффиценти; σ_0 - материалнинг оқиш чегараси.

Ишқаланувчи валлар вазифасига караб конструкцион, фрикцион, ейилишга чидамли ва антифрикцион материаллардан тайёрланади. Кўп холларда ишқаланувчи материаллар валнинг асосий материали устига коплама ,парда

тарзда копланеди ёки урнатилади. Баъзан электорутказувчанлик, кимёвий таъсирга чидамлилик каби махсус талаблар қўйилганда ишқаланувчи валлар пулат ва бошқа махсус қотишмалар валлокерамик ва новалл материаллардан тайёрланади. Конструкцион материаллар мустаҳкам ва бикр ёки эластик бўлиши лозим бўлган вал, ук, бармок, тишли гилдирак, поршен, халкалар, корпус каби валларни тайёрлашда ишлатилади. Конструкцион материал сифатида асосан пулат ва чуянлар ишлатилади. Фрикцион материаллардан ишқаланиш коэффиценти катта бўлиши талаб этилган: тормоз, фрикцион муфта ва узатма валлари тайёрланади. Фрикцион материаллар органик (ёғоч, чарм, пробка, войлок), валл (чуян, маргенцли пулатлар) асбесткаучуки, пластмасса (тёкистолит, асбестекстолит, фибра), валлокерамик (мис ва темир асосида) таркибли бўлиши мумкин. Ейилишга чидамли материаллар огир юкланган шароитда ҳам кам ейилади. Экскаватор ва юклагичлар чумичининг тишлари, кон, курулиш, ерга ишлов бериш ва биркатор технологик машиналарнинг ишчи органлари ейилишга чидамли материаллардан тайёрланади. Тобланган конструкцион пулатлар, махсус пулат ва чуянлар, поршенли материаллар, резина ва пластмассалар ейилишга чидамли бўлади.

Ишқаланиш узелларида энг кўп қўлланиладиган материаллар валлар бўлиб, бунга уларнинг ҳар хил талабларига боғлиқ материаллардан кура туликрок жавоб бериши ҳисобланади. Чунки матерьяллар мустаҳкам ва эгилувчан, улар бирикишқа эреметлар билан бирикмалар ҳосил қилинади, ўзаро ва нометарлл материаллар билан қаттиқ қоришмалар ва бирикмалар ҳосил қила оладилар.

Чуян ва пулатларнинг ейилишига чидамлилиги таркибий тузилишига боғлиқ. Таркибида углерод кўпайиши билан уларнинг қатиклиги ва ейилишига чидамлиги ортади. Кристалл панесресининг бузилиши ва анизотрон ҳосаси ҳамда нуксонларнинг тарқалиши ҳам аҳамиятга эга.

Пулат ва чуянларни ейилишига чидамлилигини ошириш учун термик ва Кимиёвий -термик (цмектриклаш азоблаш, нитроцементациялаш, цианлаки сульуфлаш, борлаш) ишловлар қўлланилади, хиром, никел, маргарец, легельерром, молибдан. ванидийлар қушиб легирланади, сирт қатламини сокалар билан эзиб. хурдалаб калибрлаб мустаҳкамлиги оширилади.

Ишқаланиш жараёнида матераллнинг фаол қатлами (сиртига яқин жойлари) ни тузилиши ўзгариб, қатлам ҳоссасини ва бирлиги навбатда унинг микроқатиклигини ўзгаришига сабаб бўлади.

Масалан: Тракторлар ён тусиклиги зичлигига ишқаланиши текширилганда унинг сирт қатламида микроқаттиқлик 9460 н/мм², сирт қатлмидан 0,05мм чуқурлигида эса 7960 н/мм² бўлиши текшириб олардан аниқланган.

Вал фаол қатламининг тузилиши угаришига асосий сабаб бу қатламни юкланиш оқибарида зерормацияланишидаги ва механик энергияни иссиқлик энергиясига айланиши ҳисобланади механик ва иссиқлик, таъсиирда сирт қатлами маҳаллий кимиёвий таркибининг ўзгариши, иккиламчи товланиш ёки бушалиш, рекристалланиш жараёнлари руй бериши мумкин.

Ишқаланишда ҳосил бўлган микроқаттиқлик ва ейилишга чидамлиги валнинг боғлангич ҳолатлардан юқори бўлади. Ейилишга чидамлилигига грерит қушимчалари ҳал қилувчи таъсир этади. Грерит бир томондан мустаҳкам брикма бўлмагани учун тез ейилади, лекин иккинчи томондан ейилган грерит кейинчалик мой вазифасини утайди, говакларни тулдириб юзадаги нисбий босимини озайишига сабаб бўлади.

Материални танлаш ишлов бериладиган вал конструкцияси ва вазифаси, ишлов бериладиган вал ишлаб чиқариш технологияси, мустаҳкамлиги, ишлаш муддати ва пухталиги, таннархи каби омилларга боғлиқ мураккаб вазифадир. Иссиқлиги юқори кескич пулатларида эса улар коррозия ёйилишга чидамли легирланган чуялардан тайёрланиши керак.

Баъзан вал пухталигини унинг ёйилишига чидамлилигини камайиши ҳисобига оширишга тугри келиши мумкин. Масалан, кескич асболари билан ишлашда тобланган пулат - тобланган пулат жуфтлиги қўлланилади. Бундай жуфтлик тешик очғич асбобларида қўлланилса улар уйилишдан тезда ишдан чиқади.

Умуман ҳулоса қилинганда ишқаланиш материални танлашда ишқаланиш валларини қандай мой билан қандай усулда совутишини, иш шароитини, ишлаётганда сирт структурасида ташки ва ички таъсирлар орасида бўладиган ўзгаришларни ҳам инобатга олиш керак бўлади.

Валларнинг мустаҳкамликка ва бикрликка ҳисоблаш

Валларнинг иш жараёнида эгилиши уларнинг ҳамда улар билан боғлиқ бўлган деталларнинг ишиги салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли валларнинг эгилишидан ҳосил бўлган салқиликнинг ҳамда таянчга нисбатан қиялик бурчагининг қиймати маълум чегарадан ортиб кетмаслиги лозим. Валларнинг бикрлигини ҳисоблашдан асосий мақсад ана шу талабларнинг қанчалик қондирилиши текширишдир.

Эгилган валларнинг таянчларга нисбатан қиялик бурчаги: σ

Сирпаниш подшипниклар учун $[\sigma] = 0,001$ радиан

Думалаш подшипниклари учун $[\sigma] = 0,01$ радиан деб қабул қилинади.

Валлар учун чарчашга қаршиликни ҳисоблаш асосийдир. Бунинг аввало қучланишлар цикли характерини аниқлаш керак. Валнинг айланиш натижасида эгувчи қучланиш унинг кўндаланг қесими нуқталарида симметрик цикл бўйича ўзгаради, ҳатто ўзгармас юкланишларда ҳам (юкланишнинг вал билан бирга айланиш ҳолати бундан мустасно).

Хавфли қесимлар учун чарчашга қаршилик заҳирасини аниқланади ва уларни рухсат этилган миқдорлар билан таққосланади. Буровчи ва эгувчи қучланишлар биргаликда таъсир этганда чарчашга қаршилик заҳираси қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$S = \frac{S_{\delta} S_{\tau}}{\sqrt{S_{\delta}^2 - S_{\tau}^2}} \geq [S] = 1,5$$

Бу ерда :

$$S_{\sigma} = \frac{\sigma_{-1}}{\sigma_q k_{\sigma} / (k_d k_f) + \psi_{\sigma} \sigma_m}$$

Эгилиш бўйича чарчашга қаршилик заҳираси.

$$S_{\tau} = \frac{\tau_{-1}}{\tau_q k_{\tau} / (k_d k_f) + \psi_{\tau} \tau_m}$$

Буралиш бўйича чарчашга қаршилик заҳираси.

Бу ерда: σ_a ва τ_a - кучланишлар циклини ўзгарувчан қисми ёки

ташқил этувчиларнинг амплитудаси.

σ_m ва τ_m - ўзгармас ташқил этувчилари кучланишлар циклининг ўзгармас қисми.

k_d ва k_f - масштаб омили ва сирт тозалик омили

k_{σ} ва k_{τ} - эгилишдаги ва буралишдаги кучланишлар концентрациясини ҳисобга олувчи коэффициентлари.

$$\sigma_m = 0; \quad \sigma_q = \sigma_{\varphi} = \frac{M}{0,1d^3}$$

$$\tau_m = \tau_a = \frac{1}{2} \tau = \frac{0,5\tau}{0,2d^3}$$

ψ_{σ} ва ψ_{τ} - кучланишлар циклининг ўзгармас қисмининг чарчаш қаршиликка таъсирини текисловчи коэффициентлар. Бўларнинг миқдори материалнинг механикавий характеристикасига боғлиқ.

Валларни статик мустаҳкамлигини текшириш (пластик деформацияларни ва синишн олдини олиш учун мос юргизиб юбориш пайтида ҳосил бўладиган қиска муддатли юкланиш) учун эквивалент кучланишлар аниқланади.

$$\sigma_{\text{эк}} = \sqrt{\sigma_n^2 + 3\tau^2} \leq [\sigma]$$

$$\text{бу ерда } \sigma_n = \frac{M}{0,1d^3}; \quad \tau = \frac{T}{(0,2d^3)}$$

Валларни тебранишга чидамлилигини (вибробардошлигини) ҳисоблаш.

Маълум бир эркинлик даражасига эга бўлган системанинг ташқи кучлар таъсиридаги мажбурий тебраниш қўйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$y = \frac{P_a}{m(\omega_x^2 - \omega_m^2)} \sin \omega_m t$$

Бу ерда: y - масса (M) нинг тебраниш амплитудаси

P_a – ташки таъсир этувчи куч ($P(t)=P_a \sin \omega_m t$) нинг амплитудаси

ω_m - системанинг мажбурий тебраниш частотаси ёки ташқи кучнинг айланиш частотаси. этувчи

ω_x - системанинг (хусусий) эркин тебраниш частотаси.

Ушбу тенгламани оддий ҳолатдаги вал тебранишга қўлаймиз. Масалан: ω_x - бурчак тезлиги билан айланадиган валга m -массали диск, l - эксцентриситет билан маҳкамланган. Валнинг хусусий мас-сасини m га нисбатан жуда кичик деб қабул қилиб ҳисобга олмай-миз. Валга марказдан қочма куч: $P_a k m \omega_b^2 l$ таъсир қилади. Унинг вектори ω_b - бурчак тезлиги билан айланади.

P_a - кучнинг ташкил этувчиларини y ва z ўқлари бўйича

$$P_y = P_a \sin \omega_b t ; \quad P_z = P_a \cos \omega_b t ;$$

P_y ва P_z кучлари ташки пормоник таъсир этувчи кучлар бўлиб, y ва z ўқлар йуналишида вални эгувчи тебранишларни юзага келтиради.

Тебранишлар: P_y кучидан

$$y = \frac{P_a}{m(\omega_x^2 - \omega_m^2)} \sin \omega_m t$$

$$P_z \text{ кучидан } z = \frac{P_a}{m(\omega_x^2 - \omega_m^2)} \cos \omega_m t$$

Эгилишдаги хусусий тебранишлар частотаси $\omega_x = \sqrt{\frac{1}{m\delta}} = \sqrt{\frac{q}{y_{cm}}}$

Бу ерда $\delta = \frac{y_{cm}}{mq}$ - куч бирлиги таъсирида валнинг эгилиш миқдори.

Юқоридаги тенгламадан (а) кўриниб турибдики

$$\omega_m \rightarrow \omega_x , \quad y \rightarrow \infty \text{ ва } \omega_m \rightarrow \omega_x \text{ да резонанс ходисаси бошланади}$$

ва вал синиши мумкин.

Резонанс ходисаси бошланган пайтдаги айланиш частотасини критик айланиш частотаси дейилади:

$$n_{kp} = \left(\frac{30}{\pi}\right) w_{kp} = \left(\frac{30}{\pi}\right) w_x = \left(\frac{30}{\pi}\right) \sqrt{\frac{a}{y_{cm}}}$$

Агар бурчак тезлик $w_m > w_{kp}$ қ w_x бўлса, система айланишлар сони ортиб бориши билан система айланишлар сони ортиб бориши билан система резонанс захирасидан ўтиб кетади ва яна уйғунлашади.


Тебранишга чидамлилиқ чегарасини қаттиқ валлар учун $n \leq 0.7n_{kp}$.

Эгилувчи валлар учун $n \geq 1.3 n_{kp}$ қабул қилинган.

Масала: Тўғри тишли цилиндрик шестерня ўрнитилган жойидаги диаметри 100 мм бўлган валнинг мустаҳкамлиги аниқ усул билан ҳисоблансин. Вал 50 маркали пўлатдан ясалган, бундай пўлат учун $\sigma_b = 6000 \text{ кг/см}^2$; валдаги эгувчи кучланиш симметрик цикл билан, буровчи кучланиш эса пульсацияланувчи цикл билан ўзгаради; айланишлар сони 65 айл / мин ; вал $N = 35 \text{ кВт}$ қувватни узатади. Валнинг бир учига занжирли узатманинг юлдузчаси ўрнатилган, юлдузчадан валга $R_3 = 1200 \text{ кг}$ куч таъсир этади. Бу куч шестернядаги айлана кучдан валда ҳосил бўладиган деформацияни оширади.

Ечиш: 1. Валдаги буровчи моментни аниқлаймиз;

$$M_\delta = 974000 \frac{N}{n} = 974000 \frac{35}{65} = 52500 \text{ кг} \cdot \text{см}$$



2. Шестернядаги айлана куч:

$$P = \frac{2M_\delta}{d_u} = \frac{2 \cdot 52500}{30} = 3500 \text{ кг}$$

3. Валга таъсир этувчи радиал куч:

$$T = P \cdot \operatorname{tg} \alpha = 3500 \cdot 0,364 = 1270 \text{ кг}$$

4. Т нинг таъсиридан таянчларда ҳосил бўладиган реакциялар:

$$A_1 \cdot 35 - T \cdot 15 = 0; \text{ бундан } A_1 = \frac{1270 \cdot 15}{35} = 545 \text{ кГ}$$

$$-B_1 \cdot 35 + T \cdot 20 = 0; \text{ бундан } B_1 = \frac{1270 \cdot 20}{35} = 725 \text{ кГ}$$

5. Шестерня ўрнатилган жойда вертикал йўналишда таъсир этувчи эгувчи момент:

$$M_{\epsilon} = B_1 \cdot 15 = 725 \cdot 15 = 10900 \text{ кГ} \cdot \text{см}.$$

6. R_3 ва P таъсиридан таянчларда горизонтал текисликда ҳосил бўладиган реакция:

$$R_3 \cdot 55 - A_2 \cdot 35 - P \cdot 15 = 0;$$

бу ерда

$$R_3 \cdot 20 + P \cdot 20 - B_2 \cdot 35 = 0$$

бундан:

$$B_2 = \frac{1200 \cdot 20 + 3500 \cdot 20}{35} = 2690 \text{ кГ}$$

7. Шестерня ўрнатилган жойда горизонтал йўналишда таъсир этувчи момент:

$$M_T = B_2 \cdot 15 = 2690 \cdot 15 = 40000 \text{ кГ} \cdot \text{см}$$

Чап томондаги подшипникда иш йўналишида таъсир этувчи эгувчи момент:

$$M_T^1 = R_3 \cdot 20 = 1200 \cdot 20 = 24000 \text{ кГ} \cdot \text{см}.$$

8. Шестерня ўрнатилган жой хавфли кесим бўлгани учун шу ердаги эгувчи моментларнинг тенг таъсир этувчисини топамиз:

$$M_{\epsilon z} = \sqrt{M_{\epsilon}^2 + M_T^2} = \sqrt{10900^2 + 40000^2} = 41400 \text{ кГ} \cdot \text{см}$$

Эгувчи ҳамда буровчи момент эпюраларини чизамиз.

9. Хавфли кесимдаги нормал кучланиш:

$$\sigma = \frac{M_{\epsilon z}}{W} = \frac{41400}{0,1 \cdot 10^3} = 414 \frac{\text{кГ}}{\text{см}^2}$$

Буровчи момент таъсиридан ҳосил бўладиган урунма кучланиш:

$$\tau = \frac{M_{\phi}}{W_P} = \frac{52500}{0,2 \cdot 10^3} = 262 \frac{\text{кГ}}{\text{см}^2}$$

$$\text{бундан } \sigma_v = 0; \sigma_a = \sigma_{\epsilon z} = 414 \frac{\text{кГ}}{\text{см}^2}; \tau_m = \tau_a = \frac{1}{2} \tau = 131 \frac{\text{кГ}}{\text{см}^2} \text{ бўлади.}$$

10. Чидамлилик чегарасини топамиз:

$$\sigma_{-1} \approx 0,43 \sigma_{\epsilon} = 0,43 \cdot 6000 = 2580 \frac{\text{кГ}}{\text{см}^2}$$

$$\tau_{-1} \approx 0,5 \sigma_{-1} = 0,5 \cdot 2500 = 1250 \frac{\text{кГ}}{\text{см}^2}$$

$$\tau_{\sigma} \approx 0,6\sigma_{\sigma} = 0,6 \cdot 6000 = 3600 \frac{\kappa\Gamma}{\text{см}^2}$$

11. Эҳтиёт коэффициентлар n_{σ} ва n_{τ} ни аниқлаймиз. Бунинг учун валга шпонка ўрнатилишини эътиборга олиб, $K_{\sigma}=1,7$ ва $K_{\tau}=1,4$ эканлигини топамиз. $\varepsilon_{\sigma}=0,7$; $\varepsilon_{\tau}=0,9$ билган ҳолда

$$n_{\sigma} = \frac{\sigma_{-1} \cdot \varepsilon_{\sigma} \cdot \varepsilon_{\tau}}{\sigma_{\text{эс}} \cdot K_{\sigma}} = \frac{2580 \cdot 0,7 \cdot 0,9}{414 \cdot 1,7} = 2,23;$$

$$n_{\tau} = \frac{1}{0,5 \left(\frac{1 \cdot K_{\sigma}}{\tau_{-1} \cdot \varepsilon_{\sigma} \cdot \varepsilon_{\tau}} + \frac{\tau}{\tau_{\sigma}} \right)} = \frac{1}{\frac{262 \cdot 1,4}{1250 \cdot 0,7 \cdot 0,9} + \frac{262}{3600}} = 3,72$$

бўлади.

12. Валнинг хавфли кесими учун эҳтиёт коэффициентининг умумий қийматини топамиз:

$$n = \frac{1}{\sqrt{\left(\frac{1}{2,23}\right)^2 + \left(\frac{1}{3,72}\right)^2}} = 2$$

демак, валнинг мустаҳкамлиги етарли, чунки: $n = 2 > n_{\text{эс}} = 1,5$